

ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИДАН ОЗОД ЭТИЛГАН АЙРИМ ТОИФАДАГИ МАЪМУМЛАР УСТИДАН МАЪМУРИЙ НАЗОРАТ ЎРНАТИШ ТАРТИБИ

Қушбоқов Шохрух Хасан ўғли
Таджиев Эшдавлат Бахтиёр ўғли

¹ ИИВ Академияси Маъмурий ҳуқуқ кафедраси ўқитувчиси

² ИИВ Академияси курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7572015>

Бугунги кунда жамоат тартиби ва фуқароларнинг хавфсизлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, жамият, давлат ва шахснинг қонуний манфаатларини ҳар қандай кўринишдаги таҳдидлардан ҳимоя қилиш мамлакатда тинчлик ва осойишталикни, миллатлараро тотувликни ҳамда барқарор тараққиётнинг асосий омилларидан биридир. Биринчи Президентимиз Ислон Каримовнинг «Ўзбекистонимизда тинчлик-осойишталик ва хавфсизликни, фуқаролар ва миллатлараро аҳиллик ва ҳамжиҳатликни кўз қорачиғидек сақлаш ва мустаҳкамлаш бундан буён ҳам энг муҳим, ҳал қилувчи вазифамиз бўлиб қолиши даркор»¹ деган сўзлари ҳам бежиз эмас.

Дж.Х. Юлдашевнинг табри билан айтганда, – “Миллий қонунчилигимиз нормаларини таҳлил этиш, уларда мавжуд коллизия ва ҳуқуқий бўшлиқларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган илмий асосланган таклиф ва тавсияларнинг ишлаб чиқилиши муҳим аҳамият касб этади”

Сўнги йилларда мамлакатимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев Миромоновичнинг бевосита раҳбарлиги ва ташаббуслари асосида фуқароларнинг тинч ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. “Аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш – бугунги кунда энг муҳим вазифадир”². Мазкур вазифа ижроси юзасидан мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилиб келинаётган кенг кўламли ислохотлар хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлиб,

¹ Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир // Халқ сўзи. – 2012. – 7 дек

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи // Халқ сўзи. – 2017. – 15 окт.

республикада ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда жиноятчиликка қарши курашишнинг янгича тизими шаклланиши учун зарур шарт-шароитлар яратмоқда. Мамлакатда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланди. Шу аснода профилактика инспекторлари фаолиятига ҳам катта эътибор қаратилди. Уларга ўз маъмурий ҳудудларида жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини самарали ташкил этиш бўйича зарур вазифалар юклатилди. Профилактика инспекторлари томонидан бу вазифаларни тўлиқ бажаришда улар томонидан амалга ошириладиган профилактик фаолиятлар қаторида маъмурий назоратдаги шахслар билан ишлаш фаолияти ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Чунки маъмурий назорат асосан муқаддам жиноят содир этганлиги учун жазони ўтаб чиққан, лекин тузалиш йўлига ўтмаган шахсларга нисбатан ўрнатилишини эътиборга олсак, улар томонидан яна жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилиш хавфи жуда юқоридир.

Бундай шахсларга етарлича эътибор қаратмаслик ва ўз вақтида профилактик чора тадбирларни олиб бормаслик эса ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятининг самарали ташкил этилишига тўсқинлик қилиб, нафақат бу соҳага, балки бутун ички ишлар органлари фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли ҳам ички ишлар органлари, хусусан, профилактика инспекторлари фаолиятида маъмурий назоратдаги шахслар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилишини талб этади. Маъмурий назоратдаги шахслар билан ишлашда уларни жамиятга керакли шахс этиб тарбиялашда профилактика инспекторларининг ўрни муҳим аҳамият касб этади. Хусусан Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳам ўз нутқларида “Билиб-билмасдан жиноят йўлига кириб қолган ва жазони ўтаётган фуқароларнинг ижтимоий мослашувини, соғлом ҳаётга қайтишини таъминлашда бутун ички ишлар органларининг ўрни ва роли ортиб бормоқда”³ деган фикрлари айтиб ўтдилар.

Профилактика инспекторларининг маъмурий назоратдаги шахслар билан ишлаш фаолиятинини амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида” ги, 2019 йил 2 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 октябрдаги “ Ички ишлар органлари ходимлари кунини” муносабати билан йўллаган байрам табриги

айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида” ги қонунлари, шунингдек бошқа қонун ва қонуности ҳужжатларига асосланган ҳолда амалга оширади. 2019 йил 2 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида” ги қонунда маъмурий назоратнинг тушунчаси, асосий вазифалари ва принциплари, уни ўрнатиш тартиби, назорат остидагиларнинг, шунингдек ички ишлар органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари изчил баён этилган. Хусусан қонуннинг 5 моддасида маъмурий назорат тушунчасига қуйидагича таъриф берилади:

Маъмурий назорат — назорат остидаги шахсларга суд томонидан белгиланадиган маъмурий чекловларни қўллашдан иборат тарбиявий-профилактик таъсир кўрсатиш чоралари мажмуи. Маъмурий назоратнинг асосий вазифаси эса, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида уларга яқка тартибда профилактик таъсир кўрсатишдан иборатдир. **Маъмурий назоратнинг асосий мақсади** – муқаддам судланганлар томонидан такроран жиноятлар содир этилишини олдини олиш ва уларда ижобий дунёқарашни шакллантиришдан иборатдир. Бундан ташқари **Маъмурий назорат бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб:**

биринчидан, қонунда кўрсатилган қатъий маълум бир тоифадаги шахсларга нисбатан ўрнатилади;

иккинчидан, маълум бир тоифадаги шахсларнинг эркинлигини муайян муддатга чеклайди;

учинчидан, маъмурий назорат қатъий белгиланган процессуал нормалар асосида ўрнатилади.

Бу тушунчани таҳлил қилишда ўз навбатида назорат остидаги шахслар кимлар бўлиши мумкин деган саволга жавоб бериш керак бўлади. Маъмурий назорат ҳар қандай шахсга ўрнатилмайди. Қонуннинг 6 моддасида ўзларига нисбатан маъмурий назорат ўрнатиладиган шахслар тоифаси аниқ белгилаб ўтилган. Унга кўра қуйидаги вояга етган шахсларга нисбатан суд томонидан маъмурий назорат ўрнатилади:

суд томонидан ўта хавфли рецидивист деб топилган;

оғир ёки ўта оғир жиноятлар содир этганлик учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган;

ҳар қандай қасдан қилинган жиноятлар учун икки ёки ундан ортиқ марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган;⁴

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига биноан оғир ёки ўта оғир жиноят ҳисобланадиган қилмишларни содир этганлик учун бошқа давлат ҳудудида озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўтаган.

Юқоридаги тоифадаги шахсларга нисбатан маъмурий назорат ўрнатишнинг тартиби “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида” ги Қонунда белгиланган бўлиб, жазони ижро этиш муассасалари ва туман (шаҳар) ички ишлар бўлими бошлиғининг тақдимномасига асосан суд қарори асосида ўрнатилади. Суд томонидан маъмурий назорат ўрнатилгандан сўнг назорат остидаги шахснинг турмуш тарзига, оилавий аҳволига, шунингдек унинг шахсини тавсифловчи бошқа ҳолатларга қараб маъмурий чеклов белгилаб берилади. Бу чекловлар қуйидагича бўлиши мўмкин:

- яшаш жойидан сутканинг белгиланган вақтида ташқарида бўлишни тақиқлаш;
- муайян жойларда бўлишни тақиқлаш;
- суд томонидан белгиланган ҳудуд доирасидан ички ишлар органларининг рухсатсиз чиқишни тақиқлаш;
- рўйхатдан ўтиш учун ҳар ойда бир мартадан тўрт мартагача ички ишлар органига (ички ишлар органининг таянч пунктига) келиш;
- алкогольли ичимликларни истеъмол қилишни тақиқлаш.

Маъмурий назоратнинг суд қарори асосида ўрнатилиши “шахс ҳуқуқлари фақат суд қарори асосида чекланиши мумкин” деган Конституцион нормадан келиб чиққан ва бу мамлакатимизда инсон ҳуқуқларининг қонун билан кафолатланганлиги кўрсатади.

Айни вақтда маъмурий назоратни ўрнатилиши ва амалга оширилиши назорат остида бўлган шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги, унинг инсоний қадр-қимматини камситмаслиги, ўқиш, иш ва истиқомат қиладиган жойида обрўсини тўкмаслиги лозим. Маъмурий назорат тегишлича назорат остидаги шахс яшаш жойидаги ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади. Ички ишлар органлари томонидан маъмурий назоратни самарали амалга оширишда профилактика инспекторининг маъмурий назоратдаги шахслар билан

⁴ Ўзбекистон Республикаси қонуни: “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида” ги. 2019 йил 2 апрел

ишлаш фаолияти ҳам катта ўрин эгаллайди. Чунки Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “бугунги кунда профилактика инспекторларининг асосий вазифаси – фақат содир этилган жиноятларни ҳисобга олиш, уларнинг оқибати билан курашиш эмас, балки ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва омилларини чуқур таҳлил қилиш асосида уларнинг барвақт олдини олишга қаратилган чораларни ўз ҳудудида амалга оширишдан иборат”.⁵ Шу ўринда Профилактика инспекторининг маъмурий назоратдаги шахслар билан ишлаш фаолияти тушунчасига тўхталиб ўтишимиз лозим.

Профилактика инспекторининг маъмурий назоратдаги шахслар билан ишлаш фаолияти Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида” ги, 2019 йил 2 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида” ги қонунлари шунингдек бошқа қонун ва қонуности ҳужжатларига асосланган ҳолда амалга оширади ва бу ҳужжатлар алоҳида асос сифатида эътироф этиш мақсадга мувофиқдир⁶. Чунончи, Дж.Х. Юлдашевнинг таъкидлаганидек, – “Миллий қонунчилигимиз нормаларини таҳлил этиш, уларда мавжуд коллизия ва ҳуқуқий бўшлиқларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган илмий асосланган таклиф ва тавсияларнинг ишлаб чиқиши муҳим аҳамият касб этади”.⁷

Шунинг учун, Профилактика инспекторининг маъмурий назоратдаги шахслар билан ишлаш фаолияти – бу профилактика инспекторининг маъмурий ҳудудидаги муқаддам содир этган жинояти учун судланган, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган, тузалиш йўлига кирмаган ва устидан маъмурий назорат ўрнатилган шахсларнинг қайтадан жинойий ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишларининг олдини олиш, уларда қонунга итоаткорлик руҳидаги ва жамиятдаги ахлоқ нормаларига зид бўлмаган ҳулқ-атворни шакллантиришга қаратилган профилактик

⁵ Инсон манфаатларини таъминлаш учун аввало унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимоя қилинмоғи зарур. // Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 9 февралдаги ички ишлар органлари фаолияти, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишланган йиғилишидаги маърузасидан.

⁶ Юлдашев Д. «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида» ги қонуннинг ўзбекистон фуқаролигини олиш асослари ва шартларини белгиловчи айрим нормалари таҳлили //Юрист Ахборотномаси. – 2020. – Т. 1. – №. 1. – С. 26-31.

⁷ ЮЛДАШЕВ Дж.Х. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БОЛАНИНГ ФУҚАРОЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4. (2020), Б. 38-43.

чора-тадбирлар йиғиндисидир. “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуннинг 29 моддасига асосан маъмурий назорат ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирларидан бири сифатида белгиланган бўлиб, профилактика инспектори томонидан ушбу қонуннинг 41-моддасида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Маъмурий назоратни амалга оширишда ички ишлар органлари, жумладан, профилактика инспекторлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- назорат остидаги шахснинг хулқ-атвори тўғрисида иш, ўқиш ёки хизмат жойи маъмуриятидан, жамоат бирлашмасидан, яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органидан, шунингдек фуқаролардан маълумотларни сўраш ва олиш;

- назорат остидаги шахсга уй-жой бериш ва уни ишга жойлаштириш тўғрисида тегишли давлат органларига, бошқа корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга илтимосномалар юбориш;

- профилактик суҳбат ўтказиш учун назорат остидаги шахсни унинг яшаш жойидаги ички ишлар органларига чақириш, назорат остидаги шахснинг талаби билан бундай суҳбатларни адвокат, жамоатчилик, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи вакиллари ёки яқин қариндошлари иштирокида ўтказиш;

- назорат остидаги шахсдан ўзига нисбатан белгиланган маъмурий чекловларга риоя этиш ҳамда зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ масалалар юзасидан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар талаб қилиш;

- Ички ишлар органлари маъмурий назоратни амалга ошириш бўйича алоҳида тадбирларни ўтказишда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа ташкилотлар ва фуқаролар билан ҳамкорлик қилиши мумкин.⁸

Шу қонуний талабларга риоя қилган ҳолда профилактика инспекторлари маъмурий назоратни амалга оширадilar. Профилактика инспекторларининг маъмурий назоратдаги шахслар билан ишлаш фаолиятининг аҳамиятига тўхталар эканмиз, буни бир қатор жиҳатларда кўришимиз мумкин:

биринчидан, маъмурий назоратдаги шахслар билан амалга ошириладиган тарбиявий ишларнинг қийин кечиши, чунки бу тоифадаги

⁸ Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги қонуни

шахслар ғайрихуқуқий онгнинг шаклланганлик даражаси бошқаларга нисбатан юқориқ бўлади;

иккинчидан, маъмурий назоратни етарли даражада олиб бормаслик натижасида назоратдаги шахс тузалиш йўлига қайтмасдан янги жинойтлар содир этиши жинойтчилик кўрсаткичини ошишига олиб келади

учинчидан, назоратдаги шахсда хуқуқбузарлик содир этишга мойил хуқ-атворининг сақланиб қолиши жамиятдаги бошқа соғлом фикрли шахсларга ҳам ўз таъсирини ўтказиши мумкин

тўртинчидан, бозор муносабатлари жараёнида маъмурий назоратдаги шахсларнинг аксарият қисмининг маълумотга эга эмаслиги, касбининг йўқлиги уларнинг ишчи ўринларидаги рақобатда қийинчиликлар келтириб чиқаришидир, касбга ўргатишда муайян бир қийинчиликлар мавжудки, уларни эътироф этмасдан бўлмайди⁹.

Бу борада Президентимиз Ш.М.Мирзиёев: “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахслар билан профилактик тадбирлар ўтказиш, маъмурий назорат юритиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Лекин бу борадаги ишларда ҳам айрим камчиликлар кўзга ташланмоқда. Мамлакат бўйича 12 мингга яқин маъмурий назорат ўрнатилиши мумкин бўлган шахслардан 6377 нафарига бундай чора кўрилмаган. Ҳолбуки, мана шундай чоралар кўрилмаслиги уларнинг эртага яна жинойтчилик ва хуқуқбузарлик йўлига кириб кетмаслигига ҳеч ким кафолат бермайди. Ҳар бир судланган шахсни ижтимоий қўллаб қувватлаш орқали уларнинг давлат ва жамиятга душман эмас, дўст бўлишини таъминлашимиз шарт. Бундай шахсларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш, иш билан таъминлашга алоҳида эътибор бериш керак”¹⁰ деб таъкидлаб ўтганлар. Айнан шу жиҳатларнинг ўзи ҳам профилактика инспекторининг, балки бутун ички ишлар органларининг маъмурий назоратдаги шахслар билан ишлаш фаолияти давомида хуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этишда аҳамияти юқори эканлигини очиб беради.

Хулоса қилиб айтганда қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим шарти бу хуқуқбузарликлар профилактикасини самарали ташкил этиш ва хуқуқбузарликларнинг сабаблари билан курашишгина эмас, балки унга

⁹ Qushboqov S., Yetmishboyev M. Jazoni ijro etish muassasalari ishtirokida tuziladigan fuqarolik-huquqiy shartnomalarning mohiyati va ahamiyati //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – T. 2. – №. 9. – С. 76-80.

¹⁰ 2017 йил 17 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган ички ишлар органлари тизимида олиб борилаётган ишларнинг аҳволи, муоммолар ва келгусидаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишидаги маъруза.

олиб келувчи шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишдан иборатдир. Бунга Президентимиз ҳам алоҳида эътибор қаратиб, ўз нутқларида *“Сизларга яхши аёнки, жиноятчиликка қарши курашнинг энг самарали усули –бу профилактика, яъни қонунбузарликларнинг олдини олишдан иборат”*¹¹ деб таъкидлаганлар. Шу муносабат билан ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий субъектлари ҳисобланган ички ишлар органларининг профилактика фаолиятини чуқур ўрганиш ва уни янада такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Профилактика инспектори янги Ўзбекистонда шундай шахс бўлиши керакки, мамурий назорат ўрнатилган шахсни маъмурий назорат қоидаларига риоя этишини таъминлаш ва улар томонидан қайта жиноят содир этилишига йўл қўймаслиги зарур. Агар назоратдаги шахс ҳуқуқбузарлик содир этса, унга нисбатан жазо қўланишини Дж.Х.Юлдашев айтганидек, қачон ва қай тартибда қўлланилиши мумкинлиги ҳал этиб¹² берадиган шахс бўлмоғи даркор.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 октябрдаги “Ички ишлар органлари ходимлари куни” муносабати билан йўллаган байрам табриги

¹² Юлдашев Д. Х. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МАЪМУРИЙ ҚОНУНЧИЛИК НОРМАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 9-11.

References:

1. *Каримов И.А.* Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир // Халқ сўзи. – 2012. – 7 дек
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи // Халқ сўзи. – 2017. – 15 окт.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 октябрдаги “ Ички ишлар органлари ходимлари куни” муносабати билан йўллаган байрам табриги
4. *Ўзбекистон Республикаси қонуни:* “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида” ги. 2019 йил 2 апрел
5. Инсон манфаатларини таъминлаш учун аввало унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимоя қилинмоғи зарур. / / Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 9 февралдаги ички ишлар органлари фаолияти, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишланган йиғилишидаги маърузасидан.
6. Юлдашев Д. «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида» ги қонуннинг ўзбекистон фуқаролигини олиш асослари ва шартларини белгиловчи айрим нормалари таҳлили //Юрист Ахборотномаси. – 2020. – Т. 1. – №. 1. – С. 26-31.
7. ЮЛДАШЕВ Дж.Х. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БОЛАНИНГ ФУҚАРОЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4. (2020), Б. 38-43.
8. Ўзбекистон Республикасининг **2019 йил 2 апрелдаги** “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги қонуни
9. Qushboqov S., Yetmishboyev M. Jazoni ijro etish muassasalari ishtirokida tuziladigan fuqarolik-huquqiy shartnomalarning mohiyati va ahamiyati //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 9. – С. 76-80.
10. 2017 йил 17 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган ички ишлар органлари тизимида

олиб борилаётган ишларнинг аҳволи, муоммолар ва келгусидаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишидаги маъруза.

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 октябрдаги “ Ички ишлар органлари ходимлари куни” муносабати билан йўллаган байрам табриги

12. Юлдашев Д. Х. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАЪМУРИЙ ҚОНУНЧИЛИК НОРМАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 9-11.